

### Мамлакатимизда

- Марказий газеталарда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ахбороти эълон қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 20 декабрь куни Қашқадарё вилоятига сафари чоғида хориқлик журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилиб, унда бошқа масалалар қаторида Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосига ва уни ҳал этишниги истиқболларига муносабати баён этилганлиги ҳақида сўз борди.
- Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қилиш ва ўтказиш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур мажлисда халқимизнинг энг сеvimли ва қадимий байрамига тайёргарлик қилиш ҳамда Наврўз тантаналари сценарийини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида гап борди.
- Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Кўмир» акциядорлик жамияти, «Узғромушсервис» уюшмаси ва Сирдарё вилояти ҳудудий комиссиясининг иқтисодий ночор корхоналарнинг қураётган зарарини бартараф этиш ва уларни молиявий соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг аҳоли кўриб чиқилди.
- Вазирлар Маҳкамасида Ижтимоий мажмуида мамлакатимизда табиий фанлар ривожининг бугунги ҳаёли ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган йилгилик бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида Усимликларни зараркунон, касаллик ва бегона ўғлардан ҳимоя қилиш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.
- Тошкентда бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда республика олий ўқув юрталарида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш услубияти муҳокама этилди.
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро шаҳар бўлими ҳамда вилоят ОИТС маркази ёшлари «аср вабоси»дан ҳимоя қилиш, ичкикилобозлик ва гивандлик иллатларига барҳам беришга қақирувчи тарғибот гуруҳини ташкил қилди.
- АКСЕЛСнинг Тошкентдаги ваколатхонасида инглиз тилини фаол ўргатувчи ташкилот ва ўқитувчиларни муқофотлаш дастури бўйича 2001 йилда фойлиб чиққан умумий, ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда мутахассисларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- Ақлия вазирлигида соғлиқ қонунчилигини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман нўҳрасида етди.
- Тошкент вилоятида республика Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон юксалиш йўлида» фотоальбому, Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарини ҳамда «Ўзбекистон Қархонлари» очеркларини тўплами тақдимида бағишланган анжуман бўлиб ўтди.
- Давлат мулк қўмитасида мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ўтказилаётган республика танловини ташкилий қўмитасининг йилгилиши яқунда.
- Пойтахтдаги «Туркистон» саройида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда кўнгилчиларнинг тутган ўрни мавзуда халқаро анжуман ўтказилди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



### «Президент арчаси»

ТАРАДДУД

болаларга бир олам қувонч улашади

Кўнгилларга қувонч бағишлайдиган Янги йил байрамига ҳам оз фурсат қолмоқда. Одатдагидек, бу йил ҳам болажонлар «Президент арчаси»ни озриқиб қўтишмоқда. Айни кунларда ушбу тадбирга қизгин тайёргарлик давом этмоқда. Шу муносабат билан биз

Тошкент шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ва «Махалла» хайрия жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадоёбоевдан «Президент арчаси» байрам тадбирига қўрилатган тайёргарлик ҳусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Шаҳримиз болажонлари ушбу хайри тадбирини ҳар йили қувонч билан кутади-лар. Бу гал мустақиллигимизга тенгдош «Президент арчаси» ўзини бор фарзандларини миз дилларига қувонч улашади. Бу йилги тадбиримиз шаҳримизда алоҳида эътиборга сазовордир. Чунки пойтахтдаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланган, кам таъминланган ва қўп болали оилалар фарзандлари, маҳаллаларда ота-оналари ҳаётдан қўз юмган, бува-бувижонлари ва бошқа қариношлари қўлида қолган болажонлар, бундан ташқари жамоат тартибини сақлаш пайтида ҳалок бўлган ички ишлар хизмати ходимларининг фарзандлари, 16 февраль воқеаси ва чегарамиз сарҳадларини қўриқлашда оламдан қўз юмганларнинг фарзандлари, йиллаб шифохоналарда ётган бола-

жонларимизнинг барчалари Президентимиз совғасидан баҳраманд бўладилар. «Президент арчаси» Янги йил байрам тадбири 29 декабрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида бошланади. Шу куни болажонларимиз учун «Тошоша» театрининг мазмунга бой, ўта қизиқарли эртаклар оламига сабақ тарзидида сахна кўринишлари ижро этилади. Бундан ташқари ўзбек эстрадасининг юлдузлари ҳам ўз қувонч чиқишлари билан болажонларимиз кўнгилларини шод этишади. Шу куни театрд «Президент арчаси» байрам томошаларига болажонлар уч бор тақлиф этилади. Ўзбек миллий академик драма театрида «Президент арчаси» тантаналари 30 ва 31 декабрь кунлари ҳам давом этади. Бундан ташқари хонадонларда бемор ётган ва касалхоналар-

## Сарҳисоб ва янги режалар

Халқимизда яхши бир одат бор. Ҳамиша Янги йил, янги ниёт, истақ, орзулар олдидадан ўтган давр — йилимизга назар ташлаймиз, бажарган ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Шу жиҳатдан олганда истиқлол йиллари мамлакатимиз, хусусан пойтахтимиз ҳаётида барча соҳаларда туб ўзгаришлар, янгиланишлар даври бўлди. Унга қим, қандай ҳисса қўшганини бугунги кун натижалари аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Яқунлаиб бораётган Оналар ва болалар йили эса халқимиз томонидан қўлга киритилган ютуқларни мустақамлашдаги хайри ишларимизнинг мантқиқий давоми бўлди.

Мухтарам Юртбошимиз ташаббуси билан бўсағада турган 2002 — Янги йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши барча қатори ҳамшаҳарларимизни ҳам руҳлантириб юборди. Янги йил муносабати билан биз улларга қуйидаги сўровнома билан мурожаат этмоқдамиз.

1. Сизнингча ўтаётган йилда юртимизда, хусусан пойтахтимизда амалга оширилган ишларнинг энг муҳимлари нималарда намойиш бўлмоқда?
2. Янги йилни қандай ниётлар билан қаршилайсиз? Умуман йил якунидан кўнгилнинг тўлқини? Келгуси йилда кўпроқ нималарга эътибор қаратилишини истардингиз?

Ўқубжон ИСФАНДИЁРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган қурувчи:

Мустақиллиқнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Мана бир неча йилдирки, ҳар галги Янги йил юртимизга янги бир хайри ном билан кириб келади. Бу ном ортида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тинчлиги, аёллар саломатлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси ётади. Хусусан ўтаётган йил жамиятимиз ривожини, одамлар онги, маънавий савиясини ошганлиги билан ахрлик турди. Шунингдек, албатта халқимиз ўртасида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ғояси тобора мустақам ўрин олаётганини ҳам алоҳида қайд этиш ўттиш лозим. Нафақат Ўзбекистонимиз, жумладан пойтахтимиз ҳам кўз ўнгимизда гуллаб-яшнаб бораётганлиги ҳам энг қувончли ютуқларимиздандир. Хусусан, мен учун ҳам ўтаётган йилимиз омадли келди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида Президентимиз Фирмон билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган қурувчи» деган фахрий унвонга сазовор бўлдим.

Яхши ниёт ва умидлар билан кутиб олаётган Янги йилимиз залворли одимлар билан кириб келмоқда. Лекин ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўплигини ҳам айтиб ўтиш керак. Қурилиш бригадамиз билан деярли зиммамиздаги янги режаларни адо этган бўлсак-да, бажарилиши лозим бўлган юмушлар, ечимини топмаган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Келгуси йилда кўпроқ қурилиш сифатига эътибор қаратилишини истардим. Биз қураётган уйлар қанчалик сифатли бўлса эл меҳрини шунчалик кўпроқ қозонамиз.

Маҳфуза ВАЛИЕВА, талаба:

Ўтаётган йил ҳаётида чўқур из қолдирди. Тошкент Давлат юридик институтига ўқишга кирдим. Ҳозир Қашқадарёдан келиб, пойтахтда таълим олаётганимга ярим йил тўлаётган бўлсам-да, очиги, Тошкентимиз жамолига боқиб тўймайман. Кечқурунлари ўқшдан бўш вақтимизни мазмунли ўтказиш мақсадида талаба дўстларимиз билан пойтахт кўчаларини сайр қиламиз. Осмонўпар бинолар, бир-бирдан чиройли кенг ва раво йўللар, жаҳон андозалари даражасида бунёд этилган кўприқлар, дам олиш масканлари, маданият саройлари, музей, театр ва кинохоналарни сўраганимизда кўнгилимиз яшнаб кетади. Шундай онларда беихтиёр қалбимизни инсон омили ҳар нарсадан устун қўйилган шундай юрда яшаётганимиздан фахрланиш туйғуси чулғайди. Узоғимизни яқин қилаётган метро қурилишининг узлуксиз давом этаётганини, янги йўналишларнинг ишга туширилаётганини ўзи ҳам ҳамшаҳарларимиз манфаатини ўйлаб қилинаётган энг муҳим ишлар даражасида деб айтиш мумкин.

Янги йил, албатта, янги орзулар йили. Шаҳсий ҳаётимиз мисолида муносо натижаларга эришган бўлсак-да, умумжамиyat йўлида ҳали қилинадиган ишлар қўп деб ўйлайман. Келгуси йилда бажарилмаган қолган ишлар, рўёбга чиқмаган орзулар амалга ошишини, юртимиз камол топиб, жаҳонга юз тўтишини барча қатори мен ҳам жуда-жуда истайман.

### Илгари хабар берганимиздек, шаҳримизнинг барча туманларида хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилди. Жумладан куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг иккинчи ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимованинг шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг 1997-2001 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тинланди. Мустақиллик шарофати, муҳтарам Президентимизнинг саяё-ҳаракатлари билан хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги иштироки, ўтказилаётган ислохотлар ҳамда оилалардаги маънавий-ахлоқий асосларни мустақамлаш борасидаги ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда, — деди жумладан ўз сўзида мазкур зачи. — Утган даврда Ойла, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йили деб эълон қилинганлиги, бу борда махсус Давлат дастурларининг қабул қилинганлиги хотин-қизлар қўмиталари иш фаолиятининг асосий йўналишига айланди. Ҳисобот даврида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасини томонидан оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ёшлар тарбияси, таълим ва маънавий-маърифий йўналишдаги иш-



## ОЙЛА — АЁЛ: ЯКУН ВА ВАЗИФАЛАР

Тошкент шаҳар хотин-қизлар конференциясидан

ваколатларини уч йилдан беш йилга узайтириш ҳақида тақлифлар билдирилди. Шунингдек анжуманда сўзга чиққанлар ўз тақлифи билан қўмиталарнинг ўз тақлифини айтмоқдаси. Бу нафақат Тошкент шаҳар, балки Республика бўйича долларб масалалардир. Биринчи масала — «Соғлом авлод» Давлат дастурининг 16-бандида белгиланган ота-онаси ҳамда турар жойи бўлмаган Меҳрибонлик уйлари-нинг битирувчилари учун «Муруват ётоқхонаси»нинг Тошкент шаҳрида қурилишига ёрдам бериш, ота-оналар билан мактаб ҳамкорлигини мустақамлаб бориш.


Шунингдек анжуманда сўзга чиққан «Ойла аёллар» уюшмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби Хотима Шайхова қуйидаги тақлифларини билдирди. — Бугунги кунда хотин-қизлар қўмиталари томонидан қилинган ишлар салоятли жуда катта. Мана уч йилдирки, шаҳримизда «Зулфиҳоним қизлар» кўрик-танловига иштирок этган иқтидорли қизлар ичидан бештаси муқофотга тавсия этилмоқда. Менинг тақлифим қолган ана шу иқтидорли қизларни Ўзбекистон Бадиий академияси, Бастакорлар уюшмаси, Таълим вазирлиги ва бошқа жойларда кичик бир марказ ташкил этилиб, уларнинг қўбиллашларини янада ошириш мақсадида мураббийлар бириктирилса, Мажҳуд жамғармалар томонидан жорий қилинган муқофотларга тавсия қилинса, Шунингдек, ушбу муқофотнинг низоми, лицей, коллеж ва олийғоҳлар талабаларига берилган мезонлар қайта кўриб чиқилса, айни муддао бўларди. Конференция ишида шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг бошқарув ва Раёсат аъзолари сайланди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятига бир овоздан қоникарли баҳо берилди ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб Фарида Абдурахимова сайланди. Анжуманда Республи-

### Жаҳонда

- Берлинда «Даймлер крайслер» компанияси ва БМТнинг Берлиндаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган «Дунё микёсидаги масулуниат» мавзуда халқаро анжуман бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда жаҳоннинг қўлаб мамлакатлари — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Венгрия, Руминия, Озарбайжон, Туркия каби давлатларнинг жамоатчилик ташкилотлари билан бир қаторда Ўзбекистондаги «Стратегия — таракқиёт, гендер, барқарорлик» нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллари ҳам иштирок этди.
- АҚШ Конгресси Афғонистонда «Саод Афғонистон» радиостанциясини ишга тушириш учун маблағ ажратишга қарор қилди.
- Шанба куни Кобулда ҳокимиятни Ҳ. Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматга топшириш маросими бўлиб ўтди.
- ИТАР-ТАСС агентлигининг маълумотларига қараганда, Покистон махсус хизмат вакиллари «Толиб»лар ҳуқуқронлиги даврида катта лавозимлардан бирини эгаллаган Аминулло Аминини қўлга олишди.
- Кеча Японияда император Акихитонинг туғилган куни нишонланди.
- Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важапай Покистон Президенти Парвез Мушарраф билан учрашув режасини рад этди.
- Арманистон «Звартноц» халқаро аэропортини Аргентинанинг «Аэропуарто Аргентина-2000» фирмасига 30 йил муддатга ижарага берди.
- Шимолий флот ҳарбий прокуратураси ходимлари «Курск» сувести кемасининг учинчи бўлимини ўрганишга ётган пайтда яна иккита денгизчининг жасадини топишган.
- Японияда яна ер силкиниши содир бўлди. Унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 4,3 баллга тенг бўлган.
- Кеча Япония денгиз ҳавфсизлиги патрули хизмати кемаси яқинда Шарқий Хитой денгизида ҳалокатга учраган ноанк кема экипажининг икки азоси жасадини топди.

## «Ўзбекистон теннис юлдузлари — болаларга»

Илгари хабар берганимиздек, КЕЧА шаҳримиздаги «Тошкент теннис маркази» (собиқ «Динамо»), «Ўзбекистон Миллий банки», «Юнусовод», «Жар» ва «Хадра» каби барча қўлалиқларга эга замонавий бешта кортда теннис клубларининг очик эшиклар куни — «Ўзбекистон теннис юлдузлари — болаларга» тадбирлари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон теннис федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан илк бор Янги йил арафасида ўтказилган ушбу тадбир том маънода байрамона руҳда, қувонч лавҳаларга бой тарзда ўтди. Эрталабдан болажонларни чиройли безатилган кортларга қираверинида сеvimли мультфильмлар қаҳрамонлари кутиб олишди.



# ВАТНЖ ВА МИЖОЗ

16 декабрда ABN AMRO Bank NB Uzbekistan A.O. ўзбек-голланд қўшма банки беш йилга тўлди. Мазкур қўшма банк 1824 йилда савдон ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Европадаги кўна ABN AMRO Bank тармоқларидан биридир. Ўз нигоҳини Марказий Осиё минтақасига ташлаган голландияликлар уни яхшилаб ўрганишга қарор қилдилар ва Ўзбекистон билан алоқани киришдилар. Ўзбекистон Ташки иқтисодий фаолият миллий банкини стратегик шерик сифатида қўзлаган ҳолда ABN AMRO Bank ўзбек-голланд ABN AMRO Bank NB Uzbekistan A.O. қўшма банкининг ҳаммуассиси бўлди.

Мана ҳамкорликдаги фаолиятнинг беш йил ҳам ўтди. Ушбу йиллар қўшма банк учун қандай янгилик ва фойдали томонлари киритди? Биз билан суҳбатда ABN AMRO Bank NB Uzbekistan A.O.нинг бош бошқарувчиси жаноб Хьюго Миндерхауд шу ҳақда сўзлаб берди.

## Ҳамкорликдаги фаолият йиллари

— Жаноб Миндерхауд, сизни Нидерландия Кириллнинг Ўзбекистондаги Фахрий консули этиб тайинлангани билан табриқлаймиз. — Ташаккур.

— ABN AMRO Bank да сиз 15 йилдан буён ишлаяпсиз. 1995 йили қўшма банк очилган ушбу ўзбекистонда келдингиз. Орадан беш йил ҳам ўтди. Айтгингиз, сиз мўлжаллаган режаларни Ўзбекистонда амалиётга таъбиқ этишингиз иложи бўлдими? — Умуман олганда, режаларимиз амалга ошди дейишим мумкин. Банкининг ривожланиши ва мустақам иш юритишига мамлакатнинг иқтисодий ҳолати институти сифатида эмас, балки ўз миқозларимизда учун молиявий шерик йўналишида фаолият кўрсатганимиз муҳим омил бўлди. Қўшма банк ўтган беш йил ичида тараққий этди, унинг сўчлари 20 тадан 550 тага етди. Ушбу вақт ичида стратегия ва тактикамизни ўзгартириш ва ривожлантиришга муваффақ бўлдик. Масалан, заёмчиларни танлаш мезонлари такомиллаштирилди: биз устунилик биринчи навбатда хоржий сармоя иштирокчида ташкил этилган миқозларга, иккинчидан эса келажақда ривожланиш салоҳиятига эга, катта ҳажмдаги савдо операциялари билан шуғуллана оладиган, учинчидан, менежмент профессионал тарзда йўлга қўйилган компанияларга берамиз.

— Жаноб Миндерхауд, банкининг Ўзбекистондаги маҳаллий офиси ва Амстердамдаги бош идораси ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай тарзда йўлга қўйилмоқда? — Биз ҳис ҳамкорликда ишлаяпсиз. Голландиядаги офис банк акцияларнинг 50 фоизига эгаллик қилади, жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатларида барча зарур қўллаб-қувватловни амалга оширади ва халқаро тармоқда устунилик юзага кел-

тиради, бироқ оператив фаолият жараёнига аралашмайди. Бизнинг банк Ўзбекистоннинг резиденти ҳисобланади ва шунга мос равишда Ўзбекистон қонунчилиги устувор ўрин тутди.

— Амалий ҳамкорликнинг қандай соҳаларида ABN AMRO Bank A.O. Ўзбекистондаги банкларга кўпроқ фойда келтириши мумкин? — Биз ҳозирда маҳаллий банклар билан соғлом рақобат муҳитида ишлаяпсиз. Ва улар бизнинг «захирамиз»даги ўзинга хос жиҳатлар — амалиётда банк йўналишларини ўрганиш, операция тизимини такомиллаштириш, валюта ва қимматли қўғозларнинг халқаро бозорида операцияларни ўтказиш йўлларида фойдаланишлари мумкин.

— Олдинда банкининг Ўзбекистон молия бозоридagi кўп йиллик фаолияти турибди. Унинг келгусидаги ривожий тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз. — Яқинда бизнинг банкимизда миқозларимизга қандай жиҳатлар ёқди, нисмалар экмаслигини билиш мақсадида улар ўртасида сўров ўтказдик. Унинг натижаларига кўра ABN AMRO Bank NB Uzbekistan A.O. республикада яхши ном қозона олганлигини дадил айтишим мумкин. Банкининг ривожий давом этмоқда ва унинг янада мустақам ўсишига умид қиламан. Мен Ўзбекистон молия бозоридagi вазиятни доимий равишда кузатиб бораман ва маълум даражада мамлакат банк-молия тизимининг умуман янги моделининг шаклланишининг қатнашчиси бўлганман. Менга республика ҳукумати, Марказий Банк томонидан рақобатни ривожлантириш бўйича олинган йўналиш жуда ёқди. У банкларни янги йўналишларни таъбиқ этишда энг қизиқарили ва самарали йўналишларни танлашга ундайди.

(Ўз мухбиримиз)

Барча мамлакатларда фонд бозорлари иқтисодий ўсишни молиялаштиришнинг энг кўлай механизми ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакат фонд бозорининг бош институти бўлиши — «Тошкент Республика фонд биржаси ўз фаолияти кўлама кенгайтиришда салмоқли натижаларга эришти. Хорижий экспертлар ҳозирда Ўзбек фонд бозори инфратузилмасининг етарли даражада ривожланганини таъкидламоқдалар. Ва бу унинг жаҳон андозлари даражасида самарали фаолият юритишини таъминлайди. Фонд бозори ривожининг ўсиши, механизмлари ишлаб чиқиш унинг айланмадорларининг ошиши ва унга янги ички инвесторлар, масалан банкларни жалб этишга кўмаклашади.

убликамиз фонд бозорида облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш билан жуда озчилик шуғулланган бўлса, синдикат фаолияти ривожланиши билан истикболда ушбу жараён барқарорлик ва доимийлик касб этади. Корпоратив облигациялар корхоналарга ўз айланма маблағларини тўлдирши учун инвестиция сармоясини жалб этишга ёрдам беради. Банклар эса синдикатлар фаолиятига андеррайтерлар сифатида жалб этилади. Бунда унинг таркибига фақат салмоқли молия салоҳиятига эга банклар кирди. Маълум бўлишича, ан-

## Ички инвесторлар фаоллашмоқда

рацияларга жалб этишга кўмаклашмоқда. Бундан ташқари УМБ бир қатор халқаро молиявий ва инвестиция ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Бинобарин, банк учун қимматли қўғозлар бозорига инвестицияларни жалб этиш енгилди.

Экспертларнинг фикрича, банкларнинг фонд бозорида ишлашга кўпроқ даражада мослашишига мамлакатимиз эмитентлари учун корпоратив облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш учун халқаро эмиссия синдикати муҳим омил бўлади. Маълумки, унинг ташкил этилиши тўғрисидаги келишувни «Алп-Жамол», «Капитал банк», «Хиф-банк», «Бизнес Банк», Фонд бозори қатнашчиларини ахборот-таҳлил тайминлаш электрон маркази — «Фонд бозори ахборот-таҳлил маркази», «Cartill Management Company» бошқарув компанияси каби бир қатор етакчи банклар ва компаниялар имзолашди. Агарда илгари рес-

деррайтер сифатида синдикат таркибига «Пахтабанк» акциядорлик-тижорат банки кирди. Синдикат билан ўз фаолиятини бошлаган дастлабки эмитент эса салқин ва алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «M.A.X. Huroson Ltd» ўзбек-герман қўшма корхонаси бўлди. Ушбу корхона 100 миллион сўмлик қисқа муддатли облигацияларни чиқарди. Андеррайтинг хизматларини эса синдикат ўз зиммасига олди. Пуллар «M.A.X. Huroson Ltd» ҳисобига келиб тушди ва уларнинг бир қисми айланма сармояни оширишга, бошқа қисми ишлаб чиқаришни янгилашга сарфланди.

Хозирда ана иккита қўшма корхона «N.COM» ва «NCI Project Inc» шўъба корхонаси облигацияларини чиқариш учун эмиссия шартномаларини кўриб чиқмоқда. Демак, фонд бозорида банклар учун салмоқли истикболлар пайдо бўлмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

## ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ Эзгу ишларга камарбаста

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағғармиси Сергели туман бўлимида ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманга тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, маҳаллалар фаоллари, «Нуроний» жағғармаси Тошкент шаҳар кенгаши раҳбарлари тақлиф этилди.

«Нуроний» жағғармаси туман бўлими раиси Баҳодир Қурбонов йиғилганларга ўтган беш йил ичида олиб борилган ишлар, фахрийларга, ёрдамга муҳтож бўлиб қолган кексаларга кўрсатилаётган меҳр-муруват ҳақида сўзлаб берди. Ва бундан кейин ҳам кенгаш аъзолари ҳар бир фахрий, ҳар бир кўмакка муҳтож бўлган инсонга моддий ва маънавий ёрдам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганларини айтиб ўтди.

Йиғилишда иштирок этган туман ҳокими Раҳимжон Розанмухамедов фахрийларни яқинлаштириш келаётган янги — 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили билан мубаракбод этди ва кекса авлоднинг бой ҳаётий таърибаси ёшлар учун ҳамisha ўрнак бўлиб келаётгани, Қарияларни қадрлаш йилида ота-она, кексаларга янада ҳурмат-эҳтиромнинг ошишини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш якунида нуроний отахон ва онахонлар шуни алоҳида айтишдики, Ватан ободлиги, элу юрт фаровонлиги йўлида қилинган барча эзгу ишларда қўлдан келганча кўмакчи бўладилар.

Шоира МУХАМЕДОВА

## ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ Эзгу ишларга камарбаста

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағғармиси Сергели туман бўлимида ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманга тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, маҳаллалар фаоллари, «Нуроний» жағғармаси Тошкент шаҳар кенгаши раҳбарлари тақлиф этилди.

«Нуроний» жағғармаси туман бўлими раиси Баҳодир Қурбонов йиғилганларга ўтган беш йил ичида олиб борилган ишлар, фахрийларга, ёрдамга муҳтож бўлиб қолган кексаларга кўрсатилаётган меҳр-муруват ҳақида сўзлаб берди. Ва бундан кейин ҳам кенгаш аъзолари ҳар бир фахрий, ҳар бир кўмакка муҳтож бўлган инсонга моддий ва маънавий ёрдам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганларини айтиб ўтди.

Йиғилишда иштирок этган туман ҳокими Раҳимжон Розанмухамедов фахрийларни яқинлаштириш келаётган янги — 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили билан мубаракбод этди ва кекса авлоднинг бой ҳаётий таърибаси ёшлар учун ҳамisha ўрнак бўлиб келаётгани, Қарияларни қадрлаш йилида ота-она, кексаларга янада ҳурмат-эҳтиромнинг ошишини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш якунида нуроний отахон ва онахонлар шуни алоҳида айтишдики, Ватан ободлиги, элу юрт фаровонлиги йўлида қилинган барча эзгу ишларда қўлдан келганча кўмакчи бўладилар.

Шоира МУХАМЕДОВА

## ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ Ҳисобот йиғилиши

Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлар» талабалар шаҳарчасида туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда туманидаги барча ўқув юрталаридан, корхона-ташкilotлардан вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов тумани кенгаши раиси Гулнеҳра Исломова тумандаги ҳар қандай томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Мажлис сўнггида вакиллари ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

ТАДБИРЛАР  
Мароқли ўтди

Яқинда Акмал Икромов туманидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан туман ҳокимлигида «Дунё ёшлар кўлида» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган талабалар ўзларининг чиқишлари билан тадбир қатнашчиларини хушнуд этдилар. Қувончли жиҳати шундаки, дастур сўнггида ёшлар ҳамкорлигида «2001 йил қалдирғочлари клуби» ташкил қилинди.

Орзуғул РУСТАМОВА

## Муҳим мавзуда

Ўзбекистон «Сороса» очик жағғармиси институтини жағғармаси кўмагида «Имконияти» чекланган аёллар ва болалари бор аёлларнинг ўзини-ўзи бошқарув ташкилотлари билан ҳамкорлиги йўллари мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унинг дастлабки семинарлари Мирзо Улугбек, Ҳамза ва Юнусобод туманларида ўтказилди.

Жағғарманинг навбатдаги 2 кунлик семинар кенгаши Бектемир тумани «КРИДИ» ташкилоти биносида ўтказилди. Унга маҳалла аёллар комиссияларидан вакиллари ҳамда ногирон аёллар ва ногирон фарзандлари бор аёллар таширф буюришди.

Равашан ИСОКОВ

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида қонунда назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасба-уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жағғарлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалари, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади».

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февраль кунини «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»-ти Қонуни қабул қилиниши билан республикамизда, хусусан Тошкент шаҳар ҳудудида жамоат бирлашмаларининг фаолияти кенгайиб, жағғармат ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган бўлса 1999 йил 14 апрелда халқаро андозлар талаблари асосида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ти Қонун қабул қилиниши билан бундай ташкилотларнинг имкониятлари янада ортиб, жағғармат тараққийоти янада кўпроқ иштирок этишига имкон яратилди.

Бинобарин, янги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ўн саккиз

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг бугунги кундаги фаолияти ҳақида сўз борар экан, улар орасида айниқса ногиронлар аёллар, болалар ва ёшларнинг ташкилотлари жағғарматда фаол иштирок этмоқда десак муносоқ бўлмайди.

1999 йилнинг Аёллар йили, 2000 йилнинг Соғлом авлод йили ва 2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилинганлиги бундай ташкилотлар фаолияти самарасини янада оширди. Бу борада «Аёлларнинг ижтимоий мослаштириш» маркази, «Аёл ва жағғармат институти», «Тинчлик учун оилалар», «Меҳриқабил аёллар ташкилотлари, ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жағғармат, ноги-

Келтирилган бундай қўллаб-қувватлов нодавлат нотижорат ташкилотларининг жағғармат ҳаётига сингиб бориши демократик давлатдан фуқаролик жағғарматга ўтишда муҳим омил эканлигини чуқур аниқлаш лозимлигини таъқоз этади.

Бу борада ушбуларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасидаги муносабати алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, давлат жағғармат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар ярати беради.

Бу борада Адлия бошқармаси Жамоат бирлашмалари ва

## Демократик давлатдан фуқаролик жағғармат сари

ёшга тулган жисмоний шахслар, шунингдек, қридик шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари бўлиши мумкинлиги ва ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тулган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тулган шахслар аъзо бўлиши мумкинлиги жағғармат ҳаётида шахсининг ролини оширишга қаратилган навбатдаги қадамлардан биридир.

Дарҳақиқат, жағғармат ривожланишининг асосий негизларидан бири бўлган фуқароларнинг бирлашмалари ҳозирги кунга келиб ҳаётга тобора чуқур кириб бормоқдаки бунга маънавий, маданий, ижтимоий ва бошқа манфаатларини қондириш мақсадида бирлашаётган ногиронлар, фахрийлар, аёллар, ёшлар ва болаларнинг уюшмалари, марказлари, жағғармалари фаолиятида кузатиш мумкин.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси нодавлат бугунги кунда 192 та томондан нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари) давлат рўйхатига олинган бўлиб, фаолият кўрсатмоқда.

Улар орасида 19 та ногиронлар ташкилотлари, 18 та аёллар, 4 та болалар, 8 та ёшларнинг марказлари, жағғармалари, уюшмалари ва қўллаб-қувватлов ташкилотлари мавжуддир.

Бундан ташқари Адлия вазирлиги ва Адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган жағғармат бирлашмалари ҳақида нодавлат нотижорат ташкилотларининг 230 дан ортиқ бўлишлари Адлия бошқармаси томонидан ҳисоб рўйхатига олинган бўлиб, фаолият олиб бормоқдалар.

Кейинги Қонун қабул қилинганда бундай ташкилотларнинг сони 93 тага қўлайди ва ҳозирги кунда ҳам ташаббускор фуқаролар ва юридик шахсларнинг ортиб бормоқда ҳамда бундай ташкилотлар устуниликнинг давлат рўйхатига олиши тўғрисидаги муносоқларни кўнайтириб бормоқда.

«Ногирон болалар ва аёлларнинг маънавий ва маърифат маркази», «Болалар жағғармаси», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари ташкилотлар фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Мисол учун ногиронларни лаёқатли меҳнатга жалб қилиш ва ижтимоий-маънавий муаммоларини ҳал қилишда кўмаклашиши, ногиронларни жағғармат, иқтисодий ишларда кўн қўламоқда қатнашишга жалб этиши ўз олдида мақсад қилиб қўйилган Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жағғарматининг Яқасарой туман бўлимида 2001 йил 3 декабрда халқаро ногиронлар кўни муносабати ҳайрия тадбири ўтказилиб, унда ногиронларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни зарур воситалар билан таъминлаш, шунингдек ҳайрия столи ва байрам концерти уюштирилди.

Бундай ташкилотлар томонидан ҳайрия ва савоҳат йўлида олиб бораётган фаолияти тўғрисида қўллаб-қувватлов келтириш мумкин.

Бундан ташқари республикамизда спортга бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида бир қатор спорт клублари, федерациялари, иттифоқлари қўлайиб, улар мамлакатимизда спорт шарофити ҳимоя қилишга ўзларининг муносоқ ҳиссаларини қўшиб қилишмоқда. «Тенис», «Каратэ», «Тазвоқчо», «Бокс» федерациялари ва шу каби бошқа спорт ташкилотларининг кейинги йиллардаги ютуқлари барчамизга аён.

Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳақида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ҚЗК (ҚВН)нинг 40 йиллик юбилейи ҳамда Талабалар кўни муносабати билан ўтказилган муносоқача кенаси ёшларимизнинг билим даражасини ҳар томонлама намоён этиш, уларнинг ақли ва зукко бўлиб ўсишлари ва жағғармат ҳаётида фаол ўрин эгаллашлари учун хизмат қилувчи тадбирлардан биридир.

## Кейинги пайтларда шахримизнинг Чилонзор туманида жойлашган «ТЭКи» корхонасида ишлаб чиқарилаётган ўнлаб кичик асбоб-ускуналар тадбиркорларимизга кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта тайёрлашда қўл келмоқда. Яқинда корхона яна бир шундай, тузни йодловчи янги қурилмани ишлаб чиқариши бошлайди.

## Тадбиркорлар мамнун

— Маълумки, кейинги пайтларда мамлакатимизда йодланган тузга бўлган талаб ортиб бормоқда. — деди корхона директори ўринбосари Елена Светкина. — Ўйлаيمانки, бу ускуна ҳам макарон, қулолтирлар сўт, ўсимлик ёғи, печенье, омухта-ем ишлаб чиқарувчи қурилмалар каби тез орада тадбиркорларимизнинг ишончини қозонади. Сабаби бу дастгоҳ ҳам бошқарилмайдиган оддий ва чидамли ҳисобланади. Биз фаолиятимиз давомида ҳамisha кичик ва ўрта тадбиркорларга керакли бўлган асбоб-ускуналарнинг янги турларини ихтиро қилиш ҳақида бош қотирамиз. Уларнинг ихчам ва арзон бўлишига ҳаракат қиламиз.


Бугунги кунда корхонамизда қирқ нафар тажрибали мутахассис хизмат қилиб ўзга юклатилган топшириқларни вақтида адо этиб

келмоқда. Шу туфайли ўтган йилда 8 миллион 900 миң сўм соф фойда қўрди. 2001 йилнинг сўнги 9 ойи давомида эса 32 миллион 572 миң сўмлик маҳсулот сотиб, 18 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардик.

Корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида катта Халқа йўли атрофида «Фермер» деб аталган кўرғазма намойиш салонининг қурилишини бошладик. Бу мажмуа 3 қаватдан иборат бўлиб, унда биз каби корхоналар ўзларининг маҳсулотларининг кўرғазмасини ўтказишлари мумкин. Шунингдек, унда ўзимизга ва бошқа корхоналарга сервис хизмат кўрсатилади.

Очил ҲАЗРАТОВ

СУРАТЛАРДА: корхонада ишлаб чиқарилган утигермони ва макарон тайёрлаш ускунаси.



TRANSPORT

## Намунали йўналиш

Хозир шахримиздаги пўлат изларда қўлгина трамвайлар қатнаб, йўловчилар узогини яқин қилмоқда. Пойтахтимизнинг «Тошкент трактор заводи» хиссадорлик жағғармат билан Юсуф Хос Ҳожиб қўчаси ораллигида қатнаётган 13-йўналишдаги трамвай хизматидан аҳоли мамнун.

Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмасига қарашли ўчинчи трамвай-троллейбус саройидан чиқётган ва вагонлар эрта-ю кеч қатнаб турибди. Ўзи замонавий «Татра» вагонлари ҳам шу йўналишда бириктирилган.


Бу транспорт воситаларини 34 нафар ҳайдовчи моҳирлик билан бошқармоқда. Улар бир неча бригада шарқори гуруҳига бўлиниб, намунали хизмат кўрсатишга муваффақ бўлишмоқда.

Мазкур трамвай йўналиши шахримиздаги энг намунали транспортчилар гуруҳи деб топилди. Уларнинг бу ибратли фаолияти муносоқ тақдирланди.

Озод АЛИМОВ

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2001 йил 24 декабрь



ХОНАДОНГА ЁР БЎЛИБ КИРАР...

Анор Хақ таъолонинг бандаларига марҳамат қилган энг улуг неъматларидан биридир. Аллоҳ Қуръони Каримнинг «ар-Рохман» сурасида анорни тилга олади. Ҳадиси шарифда эса ҳар ким бир анорни тўлигича истеъмол қилса, унинг ботинига ҳур бўлиб кириши ҳақида ёзилган.

**Боққа қадам қўйдим, анорни кўрдим, Анорнинг бағрида бир норни кўрдим. Йўқ, йўқ, адашибман, дилдор бўйида, Осилган ёқти шаҳорни кўрдим.**

Анорнинг тиббий хосиятлари ҳақида Ибн Синодан тортиб сўнгги давр табибларигача ёзиб кетганлар. Айниқса, «Маҳзан ул-авийя» («Даволар ҳазинаси») китобида унинг фойда ва зарарлари мукаммал баён қилинган.

**Анор хонадонга ёр бўлиб қирар, Ейилса, давоси бор бўлиб қирар. Бирок меъридин оширма уни, Бўлмаса ичинга нор<sup>1</sup> бўлиб қирар.**

Бир кун Аравоннинг Чебоқот қишлоғида яшовчи биродарим Фатхуллага Махсумнинг уйига бориб қолдим. Унинг жамоа ҳужалиғида механик вазифасида ўтказган бу биродар яхшигина боғбон ҳам эди. Ховлидаги анжир, ўрик, узум, гилос, шафтоли ва бошқа турдаги меваларга ҳафса билан қарар ва акам Абдулҳай Махсум билан ҳар гал унингга ботинида, уйига қиришдан аввал кенг ховлига олиб ўтиб, мевалардан ўз қўлимиз билан териб ейишга таклиф қиларди.

**Бог ичра товланиб турар шафтоли, Еттиги, оғзидан томарди боли. Қўл чўзсам, анжир дер: — Мендан емасанг, Қиймат қунида тутар увули!** Фатхуллага Махсум бу гал ҳам шундай қилди. Анор дарахлари ёнига етанганимизда:

— Анорларнинг иккинчи йил мевага кириши, бироқ ярмидан қўли аччиқ чиқиб қолди. Берган одам ширин деб берган эди, энди уларни қириб ташламоқчиман, — деб қолди.

— Унга қанчалар мекхатингиз синган, чиқариб ташлаш ўрнига уни ширинга айлантириб қўя қолинг, — дедим мен. Чебоқот аҳлининг маърака-мавридларини ва тўйларини бошқарадиган, барчага ўз маслаҳатларини берадиган, доно деб ном чиқарган Фатхуллага Махсум хайрон булганича менга тикилиб қолди. Сўнг:

— Аччиқ анорни ширин қилиб бўладими? — деди.

— Ота-боболарингиз шундай қилишган, — дедим мен.

**Оламнинг туну кун ривож бордир, Ҳар хил кайфияту мизожи бордир. Кириб бора олсанг моҳиятига, Ҳар қандай мушкулнинг илжои бордир.**

— Эй тавба! — деди у хайрон бўлиб. — Бўлмаса, бизга ҳам ўргатиб қўйинг, уларни кўчириб ташлагандан кўра, осонгина ширин қилиб ола қолайлик.

— «Ахбий ул-маҳлуқот» китобида бунинг чораси ёзилган, — дедим унга. — Агар анор аччиқ бўлса, томиларини очиб, асал суртиш керак. Агар ширин бўлса, томирга сиркадан суртилса, аччиқ бўлади.

Фатхуллага Махсумнинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Буларга шунча асални қиридан топаман? — деди.

Ховли эганида игирмата кўтига яқин арилари бор эди. Уларга ишора қилдим.

— Ҳадеб асални ўзингиз еявермай, анорларга ҳам едиринг-да! — дедим унга.

Фатхуллага Махсум қулди. Сўнг ноилоҳгина:

— Майли, сиз айтгандай қилиб қўраман, бироқ ҳаммасига эмас, аввал бир-иккитасига қилиб қўраман, — деди. Сўнг бизларни шафтоли томонга бошлаб кетди.

ЖОНГА ДАРМОН БЎЛҒУСИ

Сентябрь ойларининг охири эди. Марҳаматга бординдир ва падали бозуқоримни ховлимиздаги анор дарахлари орасидан топдим. Анор меваларини кузатиб турган эканлар.

— Аччиқ анорларни нега экансиз? — дедим қилбоғимга. — Уларни барибир ҳеч ким емайди-ку!

— Керак бўлади, ўғлим, — дедилар отам. — Бир вақтлар аччиқ анор менинг жонимга оро кирган.

**Аччиққа аччиқ деб қарама зинҳор, Аччиқ бўлса ҳамки бир хислати бор. Қара, баданинга ором берувчи, Дорилар барчаси аччиқликка ёр.**

— 1920 йиллар эди, — деб хикояларини бошладилар қилбоғим.

— Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил кўраддик. Мен кундан-кунга озиб-тўзиб кета боладим. Сиркам сув кўтармас, ҳеч ким ва ҳеч нарса менга ёқмас эди. Дўстлар салом берса, қўпол салом берди дедим, бермаса, бермади деб хафа бўлардим. Дарс асосида сеvimли устозимиз Мулла Асвад Мунду менга тикилиб-тикилиб қараб қўярди. Бу ҳам менга ёқмас эди. Бир кун тажанг ҳолда дарсда ўтирган эдим, устоз олдиларига чакирдилар. Бир парча қоғозга ниманидир ёзиб, қўлимга тутқаздилар.

— Фалон жойда Бухоро амирининг табиби бор. Ҳузуринга одам кўп бўлади. Бир йўлни қилиб, хатимни унга кўрсатсангиз, сизни навбатсиз қабул қилади, — дедилар.

Мен ўзимнинг касал эканимни билмас эдим. Хайрон бўлиб, табиб ҳузурига бординдир. Табиб иш билан ташқарига чиққан эди, хатни қўлига тутқаздим. Ҳаби билан бошлаб ичкарига олиб кирди. Юмалоқ бир дорини ичкарига буюрди.

— Бу «Ҳабби муфарриҳ», — деди у, — ҳозирча шунини ичиб туринг, қолганини кейин айтман!

**Табиб бўлса агар моҳиру ҳозик, Даво билан жонга бўлади озик. Нодон табибларга яқинлашмаки, Жонга озик эмас, бўлади қозик.**

— Бироз вақт ўтган, — деб давом этдилар қилбоғим, — олам кўларимга кенг бўлиб кўрина бошлади, дунё бутунлай ўзгача эди, табиб ҳам, одамлар ҳам ёқимли ва чиройли эдилар. Жоним шун даражада роҳат топа бошладик, бу ҳолатимнинг шукронаси сифатида йўлга юборай дедим. Табиб дори таъсир қилганини сезди шекилли, устознинг хурмати учун теккига яна бир неча ҳабби муфарриҳ берди. Сўнг деди:

— Сизнинг дорингиз бу ҳабби муфарриҳлар эмас, бошқа нарса. Ҳозир бозорга бориб, ярим қоп аччиқ анор, ярим қоп ширин анор сотиб оласиз. Битта аччиқ анорни сиқиб, сувини косага соласиз, битта ширин анорни сиқиб, аччиқ анорнинг сувига қўшасиз. Ҳар кун эрталаб ва кечқурунда ичасиз. Сизда сафоро галаба қилиб, қонни қуйдириб, савдога айлана бошлаган экан. Яна бир-икки кун юрсангиз, у сизни йиқитар эди.

**Сафройинг қўпайса хору зор қилар, Ғам ила қайғуга гирифтюр қилар. Ширин-аччиқ анор қўлингга бўлса, Сафройинг кучини тору мор қилар.**

— Табибнинг айтганини қилдим, — деб давом этдилар қилбоғим.

— Натихада тез орада ахволим яхшиланди. Аста-секин ўзимга кела бошладим. Янимбарин, ҳар бир одам ўз ховлисига бир неча тул ширин ва аччиқ анордан экиб қўйса, зарар қилмайди, — дея сўзларини тутатдилар қилбоғим.

**Иллатга ҳушёр бўл, армон бўлғуси, Дарахлар қўпайса, ўрмон бўлғуси. Сен оддий санаган ҳақир ашёлар, Жонингга қучли бир дармон бўлғуси.**

Махмуд ҲАСАНИЙ

<sup>1</sup> Нор — олов.  
<sup>2</sup> Ҳабби муфарриҳ — шодлантуручи ҳаб дори.

Маънавият — қалбим қуёши

Кун кеча Чилонзор тумани ҳокимлигида туман Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида «Маънавият — қалбим қуёши» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.



Анжуманда Чилонзор туманидаги коллеж ва лицейнинг талаба ўқувчилари ва ўқитувчилар иштирок этдилар. Тадбирда туманнинг Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, Халқаро муҳандислар академиясининг академиги М.Тешабоева «Оила — маънавият асоси», «Миновар қори» масжидининг имом хатиби Қ.Муллабоев — «Ислому ва унинг маънавияти» сингари мавзуларда сўзга чиқдилар. Жумладан жамиятимиз пойдевори бўлган оила мустаҳкамлиги, оилада ота-онанинг мавқеи, фарзандлар бурчи, миллий қадриятларимиз, аъёнларимизни қадрлаш, ўзаро меҳр-оқибат ҳақида ёшларга атрофлича тушунчалар берилди.

Биз анжуман қатнашчиларидан ўтказилган ушбу тадбир тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашганини сўрадик.

● **Эганам ҳожи КОДИРОВ**, «Эл-урту хурмати» ордени соҳиби, меҳнат фахрийси: — Менмеч хозирги кунда ёшлар тарбияси энг муҳим масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам ёшлар қалбида миллий оила тарзини шакллантириш, ота-она, фарзандлар бурчи, миллий қадриятларимизга ҳурмат, буюқ аждодларимиз қолдирган маънавий бой асарларни ўрганиш, ўргатиш, ёшларнинг қолми инсон бўлиб вожага етишларида, қалбларига зғулиқ, яхшилик уруғини сочиш бизнинг асосий вазифалиримиздандир.

● **Баҳоидир СУЛТОНОВ**, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғининг директори: — Бугунги анжумани ўтказишдан мақсад, миллий истиқлол ғояларини ёшлар оғига синдириш, уларни ҳар томонлама билимли, она


Ватанга садоқат, оилага, ота-онани меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. Ёшлар келажакимиз, шундай экан, уларнинг тарбияси учун ҳар биримиз жон куйдиришимиз керак. Шу мақсадда мана шундай қизиқарили тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, яхши самаралар беради, деб ўйлайман. Мана яқинда «Йилликнинг мақоми ҳақида» фақат йилнинг учун қизиқарили давра сўхбати ўтказилди.

Бу тадбир ҳам ёшларда катта қизиқчи уйғотди.

Ушбу қизиқарили ва мазмунли ўтган тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: тадбирдан лавалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Маданият масканларида

Истеъдодли болалар студиялари

Темирийўлчилар маданият саройида ўндан ортик бадиий студия ва турили тўғараклар ишлаб турибди. Бу ер истеъдодли болаларнинг сезимли даргоҳига айланиб қолди.

Болалар эстрада-ашулар ракс гуруҳи ҳам фаолият кўрсатмоқда. «Бинафша» ўзбек халқ ракс ансамбли кўпгина ёш наъракорларни ўз бағрига олган.

Саройда ҳаваскорлик драма театрининг ташкил этилиши эса аниқ мўлдоа бўлди. «Кичкинтой» болалар клуби ҳам иш бошлади.

Спорт ва мусиқа шинавандалари учун қўлайлик яратилди. Бунинг учун спорт-ракс тўғрисида ташкил этилди.

Лотин алифбосини ўрганиш тўғрисида машғулоти ҳам бошлаб юборилди.

Аҳад АЗИЗОВ

КИТОБ-ОФТОБ

Жамғармалар кўмагида

Республика илмий-техника кутубхонаси адабиётларга бой. Бу ерда қўлба ҳорийик навролар намуналари ҳам сақланмоқда.

Кутубхона фаолияти жараёнларига компьютер технологиясининг татбиқ этилиши яна қатор қўлайлик ва имкониятлар яратиш учун замин ҳозирлади. Эндликда зиб маскани халқаро электрон журналлари билан муомала қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эса фан ва техниканинг бизнес, ижтимоий ва

жамият фанлари, бошқа академик таълимотларга доир журналлардан фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, кенг оммалашган даврий нашрларга электрон усулда кириб бориш ҳам йўлга қўйилди.

Бу ва шунга ўхшаш техник тадбирлар очик жамият — Ўзбекистон кўмак институти («Сорос» жамғармаси) ҳамда республика «Устоз» жамғармаси саъй-ҳаракати билан амалга оширилди.

Ақбар АЛИЕВ

хисобланади. Шундай экан, у энг аввало ёшлар учун тарбия маскани бўлиб хизмат қилмоғи керак. Бу даргоҳда бўлган ҳар бир киши нимадандир ўзича лаззат олсин, ҳаётга муҳаббат, дўстларга эътиқод, ота-онага бўлган ҳурмати ошин. Лекин бу фақат гап билан битадиган иш эмас. Театрларимиз репертуарлари шунга яраша бой бўлиши керак. Санъаткорларимизнинг ички ҳолати, чинакам маҳорати, уларнинг кирраларини очиб берадиган спектакллари керак. Афсуски, бу борада мақтангудек эмасмиз. Ҳамон саҳналаримизда ўртамеъна асарлар ўйналиб келинмоқда. Кинодраматургиямизда ҳам йиллар давомида яратилган уч-тўртта асарларни айтмаганда ҳали ялт этиб кўзга ташланадиган сценарий йўқ. Замондошларимиз ҳамон «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий», «Утган кунлар» каби асарларга мўжоз. Бу кинофильмлар ҳар жиҳатдан ёшларга маънавий озуқа беради.

Умуман ёшлар тарбияси хусусида гапирганда бир мисол келтирмоқчиман. Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар»-ида бир яхши лаҳза бор. Кундоши томонидан захарланган Кумушбиби ўлим тўшағида алаҳлаб ётибди. Замона зулмидан уртанган Отабек унга ўзича тасалли беради. Шу вақт ташқаридан «Отабек...» деган илтижолу овоз эшитилди. Бу овоздан Кумушбиби сергак тортади. Чунки бу кайинотаси Юсуфбекоҳожининг овози эди. У не азобда ётганига қарамай Отабекка: «Бегим қаранг, сизни дадам қақиряптилар», дейди. Бу ўша бечороҳол қайнотага, аёлни эрга бўлган ҳурмати ифода сизди. Қарангки, бу ҳурмат ўлимдан ҳам қучли. Чиройли кўриниш, чиройли саҳна. Ундан ёшлар ҳар қанча ибрат олсалар арзийди.

Албатта бугун мустақил юртимизда санъат ва маданиятга юксак эътибор берилётгани биз санъаткорларни беҳад қувонтирмоқда. Бу сўзининг исботини қилиб ўзоққа боришнинг ҳолати йўқ. Батамом янгиланган Ўзбек Миллий академик драма театримизнинг мук

— Чиндан ҳам сиз Юртбошимиз айтганларидек буюқ санъат даргалари билан ёнма-ён ишлаган санъаткорсиз. Сиз яратган образларда устозлар нафаси сезилиб туради. Хусусан, сўзни қўшиқ каби талаффуз қилиш оҳанги сизда кучли. Айниқса бу ҳолат «Ғирланган умр» спектаклидаги сиз яратган Сантаро монолигида ўзини кўпроқ намоеён қилади.

— Аброр ака, Шукур ака, Олим акалар яратган образлар ўзига ҳос жарангдорлиги билан ажратлиб туради. Улар ҳар бир сўз мазмунидан келиб чиқиб, уни шу қадар нозик ифода этишардики, томошабин қулугига у мисоли қўшиқ каби кириб боради. Устозлар бизга сўз талаффузи устида ишлашни такрор-такрор ўқитишарди. Шунинг қувонч билан айтишим керакики, бугунги кунда театримизда уларнинг издошлари жуда кўп. Масалан, Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Рихис Иброҳимов, Тўти Юсупова. Бу санокчи яна давом эттириш мумкин.

— Зикир Муҳаммаджонов... — Келинг, сиз айтганча бўла қолсин.

— Айни дамда хаёлингиздан қандай ўйлар кечмоқда? — Умр сарҳисоби, марҳум устозлар, янги режалар, яна бир инсон марҳум акаганиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рихисбой Орифоновни эслаяпман. Биласиз, бу инсон билан яқин дўст эдик. Театрга деярли бир вақтда келдик. Ишлаб туриб олдинма-кейин санъат институтини битирдик. Рихисбойда актёрликка нисбатан режиссёрлик қобилияти кучли эди. У вазирлигимиз йўлланмаси билан Каттақўрғон, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоят театрларида узоқ йиллар режиссёрлик қилди. Пойтахтдаги Муқимий номидаги мусиқали театрга раҳбарлик қилди. У ўз соҳасининг билимдон ва етук драматург сифатида элга танилди. Ҳозир ҳаёт бўлганида бугун у ҳам табарруқ ёшнинг нишонлаш тарафдаида бўларди.

— Зикир ака, сўнгги савол: оқшомхонларга тилакларингиз... — Куннинг файзи оқшом билан. Оқшом кишига бир ажиб нафислик бахш этадики, буни тил билан ифода қилиб бўлмайди. Балки у оқшомнинг енгил ҳавоси, элкин шамолдандир. Балки осмонни яйратиб, яшна-тиб турган ёрқин юлдузлар жамолдандир. Мен «Оқшомнинг ўз муҳлислари қалбига ҳузур бағишлаб ҳаммиса ёнур нур сочиб туришини истаётман.

— Самимий истакларингиз учун ташаккур. Сўхбатдош Махмуд КОМИЛЖОНОВ

● САНЪАТОР БИЛАН СУҲБАТ

Нурли йўл

Инсон табиятан гўзалликка ташна. Лекин бу гўзалликни кўриш ва юракдан ҳис этиш ҳар қимда ҳар хил кечади. Ҳаётдаги мавжуд гўзалликларни нозик нуқталаригача пайқаб, ундан керагича маъно олиш фақат қалб кўзи уйғоқ бўлган кишиларгагина насиб этади. Бошқа касб фидойиларининг бу ҳақдаги ҳис-туйғуларини инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, бундай ҳиссиётлар кўпроқ санъат оламини кўриш билан ҳаётида сермазмон кечади. Ўзбекистон халқ артисти, «Буюқ хизматлари учун» ордени соҳиби Зикир Муҳаммаджоновни шундай нозик қалб ва бетакрор санъат соҳиби даргалари қаторига киритиш мумкин.

— Ақибан ижод кишига қарата айтилган гап бу. — Умр оқар дарё, кун кечагина қадди-баста келишган йигит — Зикир Муҳаммаджонов бугун қараб-сизми, 80 ёшни қоралаган Зикир ота бўлибди. — Асли гап умрининг ўтишида эмас, азизим. Гап унда қандай яшай билишда. Ҳаёт уммонидан сараланган гулдасталарнинг арзигулик ёки арзимаслигида. Хусусан мен мазмунли умр кечирдим, десам бўлади. Меҳрибон оилам, атрофимда парвона болаларим, қўша-қўша суюкли набираларим бор. Боз устига яхшилар йўлдошим бўлди. Уларга эргашиб кам бўлмадим. Санъатда озми-кўпми эришган муваффақиятларимдан хурсандман. Элининг ардоқли санъаткори даражасига эришишимда устозларим Маннон Уйғур, Етим Бобоқонов, Тошхўжа Хўжаев, Аброр Хидоятлов, Шукур Бурхонов, Обид Жалолов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтураеваларнинг хизматлари катта бўлган. Шу меҳридарё инсонларнинг ўғити билан саҳнада ўз сўзим ва ўрнини топиб олдим. Энди умр мазмунли келсақ образли қилиб, «Қароқчилар» спектаклидаги Карл Моор тили билан айтганда: «Дарахтидан барг тўкилиб хаётимнинг қузи яқинлашмоқда».

— «Алишер Навоий» спектаклидаги Мўмин Мирзо образида бу гап сал бошқачароқ жаранглайди. У устози Навоийга 100 йил умр тилайди. — Навоий: «Ҳаётда 100 йил яшаш нақадар оғирлигини билганингизда менга узоқ умр тиламаган бўлардингиз, шаҳзодам», дейди.

— Унга Мўмин Мирзо: «Кийинчиликларни енгил халқ учун, ижод учун осмонимизнинг ёрқин юлдузи бўлиб яшанг», деган жавобни беради. — Илоҳим шундай бўлсин. Ахир халқда «Яхши ният — ярим давлат», деб беҳуда айтилган, укам.

— Ва ниҳоят фикрларимиз бир жойдан чиқди. Шу ўринда яна бир савол. Сиз саҳнада шох асарлар — «Гамлет»даги Гораццо, «Қароқчилар»даги Ролер, уруш даврида яратилган «Генерал Собир Раҳимов» пьесасидаги бош ролдан тортиб замонавий асар «Самандар»даги Самандар каби юзлаб ранг-баранг образлар яратгансиз. Биргина «Алишер Навоий» спектаклининг ўзида йиллар давомида босқичма-босқич уч ролни — Жалолдин, Навоий ва Байқаро ролларини ижро этдингиз. Бу образларнинг ҳар бири томошабинлар қалбига ёрғун юлдуз сингари кириб бори ва ундан чуқур жой олди. Ахир бир-бирига қарама-қарши бўлган бундай мураккаб образларнинг яратилиши артист Зикир Муҳаммаджонов учун осон кечмагандир.

— Уларнинг ҳар бири ўз боламдек бўлиб қолган. Бола тарбияси нақадар масъулятли, оғир ва машаққатли эканини яхши биласиз. Шундай бўлган бу ерда ортиқча изоҳга ҳоҳлат йўқ деб ўйлайман.

— Санъат ва маданият қайси бир жиҳатлари билан бир-бири билан омухта. Зеро гап санъат ва маданият ҳақида борар экан, бир нарсани таъкидлаб ўттиш лозим. Кўпдан бери халқ орасида театр — тарбия маскани, деган гап юради. Бу тушунчага сиз қандай қарайсиз? — Бир дошманд: «Нимаки гўзал экан — ахлоқийдир», деган экан. Бу фикрни ривожлантириб шунини айтиш мумкинки, театр ҳам инсон учун улғуров гўзаллик

стабиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида ишга туширилиши бунинг исботи. Театрнинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган Президентимизнинг ушбу сўзлари кечагидек ёдимда. «Академик театримиз ўзбек театр санъатининг энг яхши аъёнларини ўзида муҳассамлантирган, жаск пажоналарга кўтарган, халқимизга буюқ санъаткорлар етказиб берган муқаддас даргоҳдир», деган эди Юртбошимиз.

— Чиндан ҳам сиз Юртбошимиз айтганларидек буюқ санъат даргалари билан ёнма-ён ишлаган санъаткорсиз. Сиз яратган образларда устозлар нафаси сезилиб туради. Хусусан, сўзни қўшиқ каби талаффуз қилиш оҳанги сизда кучли. Айниқса бу ҳолат «Ғирланган умр» спектаклидаги сиз яратган Сантаро монолигида ўзини кўпроқ намоеён қилади.

— Аброр ака, Шукур ака, Олим акалар яратган образлар ўзига ҳос жарангдорлиги билан ажратлиб туради. Улар ҳар бир сўз мазмунидан келиб чиқиб, уни шу қадар нозик ифода этишардики, томошабин қулугига у мисоли қўшиқ каби кириб боради. Устозлар бизга сўз талаффузи устида ишлашни такрор-такрор ўқитишарди. Шунинг қувонч билан айтишим керакики, бугунги кунда театримизда уларнинг издошлари жуда кўп. Масалан, Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Рихис Иброҳимов, Тўти Юсупова. Бу санокчи яна давом эттириш мумкин.

— Зикир Муҳаммаджонов... — Келинг, сиз айтганча бўла қолсин.

— Айни дамда хаёлингиздан қандай ўйлар кечмоқда? — Умр сарҳисоби, марҳум устозлар, янги режалар, яна бир инсон марҳум акаганиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рихисбой Орифоновни эслаяпман. Биласиз, бу инсон билан яқин дўст эдик. Театрга деярли бир вақтда келдик. Ишлаб туриб олдинма-кейин санъат институтини битирдик. Рихисбойда актёрликка нисбатан режиссёрлик қобилияти кучли эди. У вазирлигимиз йўлланмаси билан Каттақўрғон, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоят театрларида узоқ йиллар режиссёрлик қилди. Пойтахтдаги Муқимий номидаги мусиқали театрга раҳбарлик қилди. У ўз соҳасининг билимдон ва етук драматург сифатида элга танилди. Ҳозир ҳаёт бўлганида бугун у ҳам табарруқ ёшнинг нишонлаш тарафдаида бўларди.

— Зикир ака, сўнгги савол: оқшомхонларга тилакларингиз... — Куннинг файзи оқшом билан. Оқшом кишига бир ажиб нафислик бахш этадики, буни тил билан ифода қилиб бўлмайди. Балки у оқшомнинг енгил ҳавоси, элкин шамолдандир. Балки осмонни яйратиб, яшна-тиб турган ёрқин юлдузлар жамолдандир. Мен «Оқшомнинг ўз муҳлислари қалбига ҳузур бағишлаб ҳаммиса ёнур нур сочиб туришини истаётман.

— Самимий истакларингиз учун ташаккур. Сўхбатдош Махмуд КОМИЛЖОНОВ

● САНЪАТОР БИЛАН СУҲБАТ

Нурли йўл



# «Ўзбекистон теннис юлдузлари — болаларга»



### (Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, «Тошкент теннис маркази»да ташкил этилган тадбир жуда файзли, мароқли, болажонларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қоладиган ажойиб теннис байрами тарзида ўтди.

Теннис байрамига йиғилган теннис билан шуғулланаётган ва ушбу қизиқарли уйин билан фақат ойна хажон орқалигина таниш бўлган икки юзга яқин болажонларга Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Қурбонов эзгу тилаклар билдирди. Сунг йиғилганлар ёш истеъдодлар концерт дастуридан баҳраманд бўлишди. Шуниси эътиборга лойиқки, байрамнинг танлов дастурига кўра болалар иккита — ракеткани илк бор кўлларига олаётганлар «Тенниснинг сехри олами», унда қатнашаётган жажжилар эса «Мастер класс» деб номланган йўналишлар бўйича кувнок мусобақалар, эстафеталарда ўзаро куч синашишди. Хусусан, «Тенниснинг сехри олами» йўналишида болалар теннис қоптоқчалари билан ракеткаларни уриб туширишди, қоптоқчаларни мўлжалга туширишди, ракеткада тўпни ерга қим кўпроқ кўтариб-тушириш бўйича ўзаро беллашишди. Ёш «профессионаллар»нинг шартлари эса мураккаб бўлди. Хар бир йўналишдаги мусобақа голибларига Ўзбекистон теннис малякиси Ирода Тўлаганова теннис тўғрисидаги журнал, ракетка ва бошқа совғаларни топширди. Ёнг эгчил, абжир ва маҳоратли болалар эса кортда Ирода билан бир неча сония давомида бўлса-да «беллашиш» имкониятини кўлга кириштирди. Ҳамма иштирокчиларга ўз суратлари туширилган «Тенниснинг сирли олами» байрамнинг фол иштирокчилари учун дипломлар, эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда қатнашган Дмитрий Томашевич, Ирода Тўлаганова, Антон Кохурин, Мурод Инонатов каби теннисимиз юлдузлари ўз маҳоратлари сирлари билан бажонидил ўртоқлашишди, болажонларга дастхатлар беришди, кувнок мусобақаларда болалар билан «куч синашишди». Ва ушбу хайрли тадбир теннис юлдуз-

ларида ҳам яхши таассурот қолдирди. Биз улардан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

### • Ирода ТўЛАГАНОВА:

— Шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон теннис федерациясининг пойтахт бўлими болажонлар учун ҳақиқий теннис байрамини ташкил этишиб жуда яхши ташаббусни илгари сурди. Тенниснинг оммавийлигини ошириш, келгуси авлод ўртасида спортнинг ушбу турига муҳаббат уйғотиш борасида бу каби тадбирларнинг баҳоси йўқ, албатта. Шунга ишонаманки, бугунги тенниснинг ёш илосмандлари орасидан келгусида кўплаб чемпионлар етишиб чиқади, улар ҳатто биздан ҳам ўзиб кетишади. Бундан кейин болажонлар учун теннис байрамларида имкон қадар доимо қатнашиб туришга ҳаракат қиламан. Иложи бўлса бошқа кортларда ҳам болажонларга ҳамроҳ бўлиш ниятим бор.

### • Дмитрий ТОМАШЕВИЧ:

— Бу каби байрамлари болалар доимо озиқиб қўтишади. Зеро, тадбир жуда қўлб болажонлар ота-оналари билан ташриф буюришди. Ҳаммаларнинг дилларида кувнок чиллари жўш уриб турибди. Спортнинг, айниқса тенниснинг ривожини учун бу катта ишдир. Ёнг муҳими, болалар билан мулоқотда бўлиш биз учун жуда мароқли, ўз навбатида улар ҳам етакчи теннисчилар билан танишганларидан жуда шод. Таиланд терма жамоаси билан Дэвис Кубоги бахсларида учрашиш тайёргарлик кўраётган ҳозирги дамларда болажонлар учун теннис байрамида қатнашганлигимиз кучимизга куч қўшиб қайфиятимизни янада кўтариб юборди.

Шу кун болажонлар ҳам байрамона мусобақа муҳитига ошно бўлишди. Ўз устозлари, ота-оналари олдида бор маҳоратларини, энциликларини намойиш этишга ҳаракат қилишди. Биз айрим мусобақа қатнашчилари ва уларнинг ота-оналарини ҳам суҳбатга тортиб дил сўзларини қозғашди.

— Икки жажжи фарзандим бор, уларнинг келажакларини уйлаган холда Ватан учун фойдали инсонлар

сифатида ўстириш ниятида қайнотам маслаҳатларига кўра теннисга беришга қарор қилдим, — дейди Раъно Қорақўзиёва. — Ўзим Қўрай тўғрисида истикомат қилсам-да болаларимни шахримизнинг энг яхши теннис клуби — «Тошкент теннис маркази»га бердим. Зеро, теннис чиройли, қизиқарли ва ҳаммабоп спорт туридир. Спорт билан шуғулланган бола турли хил салбий таъсирларга ҳам тушиб қолмайди.

Мана уч ойдрки 286-мактабнинг 1-синфида ўқибган қизим Диёра Аскаржонова ва олти ёшли ўғлим Азимбек Аскаржоновлар захматқаш мураббий Анастасия Горшковадан теннис сирларини ўрганишмоқда. Ҳафтага уч марта теннисдан сабоқ олишади.

захон Мусаева «Тошкент теннис маркази»га қатнашишпти. Улар бугун зўр кувнок билан ўрта ва кичик гуруҳларда теннис байрамида иштирок этишди. Ўғлим баҳорда ўз ҳаётидаги илк мусобақада қатнашишга тайёргарлик кўрмоқда. Менимча, ота-она учун бундан ортқ бахт бўлмас керак. Шундай байрамни уюштирилганликлари учун мусобақа ташкилотчиларига ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Ҳа, «Тошкент теннис маркази»даги болажонлар учун теннис байрами узоқ давом этди. Ёш теннис илосмандлари Ўзбекистоннинг катта ракетка усталари билан суратларга тушишди, теннис қоптоқчалари ва кичик ракеткалар билан безатилган



— Теннис байрами менга жуда ёқди, — таассуротларини ҳикоя қилди Диёра Аскаржонова. — Эстафеталарда ютиб чиққанлигим учун Ирода опам теннис тўғрисидаги китоб ва ракеткани совға сифатида топширилганини ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Ниятим катта бўлганда теннис устаси сифатида йирик мусобақаларда муносиб иштирок этишдир.

— Менинг ҳам икки фарзандим — 3-синфда аял баҳолар билан ўқибган ўғлим Рустамбек Мусаев ва 312-боғча тарбияланувчиси қизим Феру-

яни йил арчаси атрофида Қорқобо ва Қорқиз билан кувнок қўшиқ ва рақсларга тушишди.

Шаҳримиздаги бошқа тўртта теннис клубида ҳам очик эшиклар кунни — «Ўзбекистон теннис юлдузлари — болаларга» байрам тадбирлари юқоридаги каби чиройли, файзли ва кувнок рўхта ўтди. Унда иштирок этган Олег Огородов, Вадим Куценко, Комила Дадақўжаева, Окгул Омонмуродова, Денис Курматов, Сарвар Икромов ва бошқа теннисимиз юлдузлари тадбирнинг янада муваффақиятли чиқишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Хайрли ташаббус, албатта, қанот ёзади, деганларидек, болажонлар учун бундай теннис байрамлари эндиликда айна тусига қиради. Хар йили теннис мавсуми очилиши арафасида Наврўз байрами олдида ва Янги йил байрами кунларида бундай тадбирларни ташкил этиш режалаштириб олинди.

**ДИЛШОД ИСРОИЛОВ**  
СУРАТЛАРДА: «Тошкент теннис маркази»да ўтказилган «Ўзбекистон теннис юлдузлари — болаларга» байрамидан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

## Шаҳримиз каратэчилари — Ғолиб



Ўтган жума -шанба кунлари шаҳримиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Азамат Карим» спорт клуби ва Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда ташкил этган каратэ бўйича халқаро турнир беллашувлари бўлиб ўтди.



Халқаро турнирда Тошкент шаҳри, республикамизнинг барча вилоятлари ва Қозғистон ҳамда Қирғизистондан ташриф буюрган 960 нафар каратэ усталари галаба учун кураш олиб боришди. Икки кунлик шиддатли беллашувлар натижасига кўра шаҳримиздаги энг кучли каратэ клубларидан бири, иқтидорли мураббий Ҳўжамкул Ҳўжамқул етакчилиги қилаётган «Азамат Карим» клуби спортчилари умумжамоа ҳисобида ҳурмат шоҳсўласининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Андижон вилояти каратэчилари иккинчи, қозғистонлик спортчилар эса учинчи ўринларни банд этишди. Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: халқаро турнирдан лавҳалар.



### ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

## Ўзбекистонлик аёллар олтинчи бўлишди

Ҳитой Тайпейда аёллар ўртасида ташкиллаштирилган жажон чемпионати мусобақалари нҳюясига етди. 12 терма жамоа иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси футболчи аёллари 6-ўрин билан кифояланди. Чемпионлик учун даъвогарлик қилган Корея Халқ Демократия Республикаси ва Япония терма жамоалари ўртасидаги муросасиз беллашувда омад корейлик футболчилар тарафидан бўлди. Япониялик рақиблари дарвозасига 2 та жавобсиз гол йўлаган корейлик аёллар чемпионлиқни қўлга киритишди.

## Жаъфар «Анжи»да

Футбол мавсуми якунланганига қарамай ҳозирданок ўзбекистонлик айрим «чарм тўп» усталарининг келгуси йилда қайси жамоада тўп суриши маълум бўлиб қолди. Ўзбекистон терма жамоасининг ҳужумчиси Жаъфар Ирисметовнинг ўз омадини аввал Москванинг «Спартак», сўнгра Беларусь жамоасида синаб кўрганлигидан хабарингиз бор, албатта. Аммо Россия ва Беларусь клубларида бахти чопмаган Жаъфар келгуси йилдан Махачқалъанинг «Анжи» клубида тўп сурадиغان бўлди.

## Бахтиёр Украинада ўйнашни хоҳляпти

Келгуси йили ўз бахтини хориз клубларидан ахтарётган футболчиларимиз орасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, «Андижон» клуби ҳужумчиси Бахтиёр Ҳамидуллаев ҳам бор. Айни кунларда X миллий чемпионати-миз тўпурларидан бири Бахтиёр Ҳамидуллаев Украинада «Таврия» жамоаси машғулларида қатнашяпти. Дарвоқе, бир вақтлар «Андижон» жамоасини бошқарган, ҳозирда «Таврия»да футболчиларга устозлик қилаётган мураббий С.Шевченко Бахтиёрнинг «Таврия» сафида ўйнашини хоҳляпти.

## Баҳодир қаерда тўп суради?

Донецкнинг «Шахтёр» ҳамда Элистанинг «Уралан» жамоалари раҳбарлари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, «Пахтакор»нинг моҳир ярим ҳимоячиси Баҳодир Саидқамолвани ўз сафларида кўришни исташяпти. Аммо «Пахтакор» жамоаси раҳбарлиги Баҳодир фақат пойтахтнинг бош жамоасида ўйнайди, дея футболчиға хали рухсат беришганича йўқ.

Ақбар Йўлдошев

## Бўажиб дунё

### Ғалати ютуқ

76 ёшли мексикалик Хуан исмли чолнинг юраги касал эди. Бир кун у касалхонага кетаётганда йўлда юраги ушлаб қолди ва шу ёрнинг ўзида вафот этди. Унинг устидаги яккаю ягона костюми билан дафн қилишди. Орадан бир неча кун ўтгач эса лотерея ютуғи ўйналиб, Хуаннинг лотереясига 32 ярим минг доллар ютуқ чиқди. Унинг уидаги лотерея лотереяни қидириб ҳеч қаердан топа олишмади. Ютуқ марҳумнинг чўнтағида кетганиди. Хоризда қабрини очиб кўриш учун суднинг рухсати керак. Рухсатни эса қутти зарур. Марҳумнинг қариндошлари рухсат олиш жараёнида қабрга қуролили соқчи ҳам қўйишни илтимос қилдилар. Хар ҳолда 32500 доллар ҳам ёмон пул эмас.

### Бир кунда ўнта қурбақа...

Су Чанг ёшлигидан фақат турли хашаротларни еб ўсди. У нон, ёли овқатларга қайрилиб ҳам қарамас эди. Кунига бир кило балиқ ёки чигирткадан тайёрланган шўрва, қурбақа солинган шу каби овқатларни тановул қиларди. Хашаротларни ёгда қовуриб еб қурди, аммо тезда бу кўнглига тегди. Энди турли хашаротлардан қабоб қилиб ейишни ўрганди. Айниқса, қурбақадан тайёрланган қабобга нима етсин!

Су Чанг бир кунда ўн дона қурбақани қабоб қилиб еб олади-да, кекириб юраверади.

### Юз мартадан кўп

Инсоннинг юраги ишламай қолса — тамом. Аммо Саймон исмли қимсаннинг юраги тўхтаб қолганида ҳам у яшаб турган. Яъни, юраги урмай турганида ҳам гарчи ўликка ўхшамаса-да, бўлаётган воқеаларни сезиб турарди. Уни дастлабки юраги ишламай қолганида ўлдига чиқариб, кўмишига тайёрлашганида хотини бадани совуқ бўлса ҳам қимирлаётганини сезиб қолган. Ҳақиқатан ҳам Саймоннинг юзлари учиб, қўл бармоқлари билан-билан қимирлаб қўярди. Врач ҳам умрида бунга ҳодисани кўрмаганди. Улган одамнинг танаси қимирлаб турса-я? Уни бир кун сақлашга қарор қилишди. Эртасига Саймоннинг юраги ишлаб кетди. Ўша кун у кеча бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. Ҳамма хайрон.

Бу ҳодисани эллигинчи йиллар тиббиёти аниқлаб бера олмади. Ана шу одам қарийб саксон йил умр кўрди. Уч марта ўйланди. Тўрт фарзанди бўлган. Биринчи хотини билан йигирма йил яшаб, фарзанд кўришмади. Кейингиси билан йигирма икки йил яшаб уч ўғилни бўлди. Охириги у қариган чоғида қиз ато этди. Саксон йиллик умри давомида юз мартадан кўпроқ ўлиб-тирилди.

### 500 ёшида тирилди

Тибетдан топилган одам 500 ёшда экан. Уни тирилтириш учун барча чоралар қўрилди. Бир неча ойлик уринишлардан сўнг у тирилди. Аммо бирор сўз демасди. Хар лаҳзада қайта ўлиб қолиши мумкин эди. У тирилди бир неча кун яшади. Барибир юрак қартайиб, қон айланишини йўлга қўя олмайдиган бўлиб қолди. Улиминдан олдин унинг франциялик сайёх эканлиги, исми Андри бўлиб, ёши 38 да эканлиги маълум бўлди. У ана шу бир неча кун давомида анча нарсаларни кўриб ва ҳайратланиб улгурди. У ер сайёрасидаги ўзгаришларга ишонмасди. Андрига ўша ўзи яшаган асрга оид ҳужжатлар, китоблар, расмлар, кўрсатишгандан кейингина ердаги ўзгаришларга тин берди. У ўлими олдин одамзотнинг шунчалар ривожланиб кетганидан қувонганини билдирди.

**Шарамир МИРЗАШИПОВ** тайёрлади.

«Тошшаҳарйўловчиганс» Давлат уюмасига жамоаси Бошқарув раисининг қўрилиш ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари вазифини бажарувчи

**Фаррух Мелибоевич КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изхор қилади.

### «050»: ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ АХБАРЛАРИ

#### Сув тўхтатилди

Қиш кунинда шифдан сув оқиб, уй анжомларини ишдан чиқаришдан ҳам ёмон воқеа бўлмас керак. Яккасарой тумани, Қунаев кўчаси, 12-уй, 110-хонадонда ҳеч ким яшаманган. Уй эгалари хар замондагина бир келиб, у ёқ-бу ёқни кўздан кегириб кетишган.

Яқинда уй ичидаги батарея қранидан пастдаги хонадонларга иссиқ сув оқиб туша бошлади. Қўшнлар профилактика нозирига мурожаат қилдилар. У «050» қутқарув хизматиға кўнғироқ қилди.

Қутқарувчилар профилактика нозир С. Аметов иштирокда уй эшигини очиб, сувни тўхтатдилар.

### Сохта кўнғироқ

Навбатчилик қисмига Яккасарой тумани, Роза Люксембург кўчасининг 13-мактаб рўнарасида газ баллонли машина портлагани ҳақида номаълум киши кўнғироқ қилди.

Қутқарувчилар таниш манзилга етиб келганларида кўнғироқнинг сохта эканлигини сездилар. «Бекорикдан безамас иш чиқади» деганларидек орамизда ана шундай бекорикликдан нима иш қилишни билмай, сохта кўнғироқ қилиб, бошқаларни безовта қилувчилар ҳам топилди.

#### Уй эгаси рози бўлмади

Чек исмли фуқаро навбатчилик қисмига телефон қилиб, эшиги қулфланиб қолгани туфайли уйига бир неча кундан бери қиролмаётганлигини маълум қилди. Қутқарувчилар эшикни бузмасдан очишининг иложи йўқли-

гини айтишганида, хонадон эгаси қимматбаҳо эшигига ичи ачидими, уни бузишларига рози бўлмади.

#### Эшикни очмади

Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 20-мавзе, 8-уй, 138-хонадонда яшовчи А. Ким устидан қўшнлар шикоят қилиб, «050» га кўнғироқ қилишди. Маъжур хонадондан сув оқиб, пастки қаватдаги уйларга тушаётган экан. У қўшнлар арзига қулоқ солмай, эшигини очмади.

Қутқарувчилар ушбу манзилга бориб, эшикни тақиллаштиганида ўжар хонадон эгаси эшикни уларга ҳам очмаслигини айтди.

Ҳаётда ана шунақа қайсар, тўнани тескари қийган кишилар ҳам бўларкан-да.

**Ўткир САИДОВ,** Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг матбуот котиби.

**Бош муҳаррир**  
**Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
2668 нусхалда босилди. Қўзғо бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа**  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.